“ҚАЛБНИНГ ИЧИДАГИ НУР...”

("Ҳайратул аброр" учун мухтасар шарҳ ва изоҳлар)

Сўзбоши ўрнида: навоийшунослик илми

Илмнинг шартларидан бири уни устоздан ўрганмоқдир. Устознинг қошида ўтириб, хизматини қилиб, устознинг яхши-ёмон кунида ёнида бўлиб илм ўрганиш билан илм ҳосил бўлади. Чунки илм маълумотларни хотирага жамлаб, уни сақлашдангина иборат эмас. Илм ҳаётни яхши томонга ўзгартирса, инсон қалбини, руҳини покласа, нафсини тарбияласа, турмушга тартиб ва ҳаловат олиб кирса, одамлар орасини ислоҳ этса,

фитналарга барҳам бериб, бирдамликка етакласа, инсонни Аллоҳдан қўрқишга ўргатиб, жасоратга бошласа, ана шу ҳақиқий, кашфий бир Илмдир. Бу илм китобни ўқиш, ёдлаш, бировларга мазмунини айтиш билан эмас, бир Устознинг гўзал намуналарини кўриш ва уни ўзлаштириш ила насиб этади. Афсуски, аксаримиз Устоз кўрмадик, ўткир зеҳнлар, шижоатли қалблар Устоз йўқлиги учун аросатда қолди.

Саҳобалар, Аллоҳ улардан рози бўлсин, энг бахтли инсон эдилар, чунки инсоният устози, буюк муаллим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдан илм олдилар. Бу илм саҳобаларни инсоният йўлбошчиларига айлантирди.

Бугун Интернетдаги видео дарсларда илмни олиш мумкин, ўзлаштириш қийин. Сув ичида қўлингни ва оёғингни силкитасан, деган билан сузишни ўрганиб бўлмайди. Албатта, сувга тушиб, сузишни кўрсатиш билан сузиш ўргатилади. Демакки, насиҳат ва маълумотларни тинглаш бизнинг илмимиз ошиши учун эмас, чаласавод ва ўзини олим деб ўйлайдиган жоҳил бўлишимиз сабабига айланиши мумкин. Агар шундай бўлмаганида орамизда ихтилоф гуркирамасди, ғийбат урчимасди, ҳақорат алангаланмасди. Афсуски, ҳаё қиладиганимиз бир Зотни фаромуш этиб, кўпчилигимиз беодобликлар ила машғул бўлдик, кўп хатолар қилдик, ҳозир ҳам шу

нуқсонлар устида бардавоммиз. Шундай китоблар борки, уларни шарҳсиз ўқиб бўлмайди ва шарҳларини мустақил мутолаа қилиш мумкин эмас. Уни, албатта, Устоз билан ўқишимиз шарт. Бу бизни ўзбошимча тушунишдан, хато йўлда юришдан сақлайди. Устоз шогирдга илм ва олимни ҳурмат қилишни таълим беради. Устоз шогирдни бошқаларга тош отишдан қайтаради. Зотан, бир олимнинг ортида катта меҳнат, заҳматлар бор, бу нарсаларга кибр қилиш бир иллат, холос.

Ана шу камчиликлар натижасида баъзи устоз кўрмаган дўстларимиз, узоқ-яқин биродарларимиз ўтмишда яшаб ўтган буюк зотларга

ҳурматсизлик қилганларига гувоҳ бўлдик. Хусусан, Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳнинг шахси, ижоди ҳақида номуносиб ёндашувларни ўртага ташладилар. Бу жасорат уларда Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ ҳақида илм эмас, бирор тугал маълумот йўқлигини ошкор қилди.
Илм асллар устига қурилади. Асл - ўзгармас қоида, демакдир. Бир асл бир қоидадир. Асллар жамланмасидан усул юзага келади. Бир нарсанинг тўғри ёки хатолиги усул (қоида)га солиб текшириш орқали аниқланади. Шу маънода, "Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳнинг қандай инсон ёхуд ижодкор бўлганлиги шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

раҳимаҳуллоҳ у кишининг асарларидан ҳужжат ўлароқ фойдаланган ёки фойдаланмагани билан белгилансин", деган бир қоида мавжуд эмас. Балки шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳ Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳнинг асарларини мутолаа қилиб, текширмаган, чунки у кишининг масдар йўналиши шаръий илмлар бўлиб, тасаввуфий илмлар асосий ўринда эмас эди, шунинг учун, Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳга илмий ҳужжат масаласида мурожаат қилиш эҳтиёжи у кишида йўқ эди, десак, инша Аллоҳ, тўғрироқ бўлади.

Илмдаги усулни Европа олимлари илмий метод деб аташган. Ғарбда

бирор нарсанинг ҳақиқатига етишда илмий методларнинг қатъий қоидаларига таянилади. Хусусан, адабий асарларни ўрганиш борасида тарихий, қиёсий, психологик, таҳлилий, феноменологик, шаклий тадқиқ йўллари ишлаб чиқилган. Бу йўлларнинг ҳаммаси фалсафага таянади. Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш юртимизда охирги юз йилда ана шу йўлдан юриб, амалга оширилди ва муайян натижалар қўлга киритилди. Ўз даврида бу натижалар китобхонлар ва илм мухлисларини қониқтирди. Бироқ бугунги шароитда масалага бироз бошқача қараш эҳтиёжи пайдо бўлмоқда. Жумладан, ёшларда Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ

ҳақида нотўғри қараш, бироз беҳурмат муносабат ана шу эҳтиёжнинг бир тамсилидир. Энди халқимизга, ёшларга буюк мутафаккир ҳақида уларни қониқтирадиган йўлда маълумот етказиш навоийшуносликнинг вазифасига айланди.

Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ асарларини ўқишнинг ўзи у киши илгари сурган таълимотни тўғри тушунишда етарли бўлмаслиги тасдиқ талаб қилмайдиган бир ҳақиқатдир. Мутафаккирнинг асарлари тасаввуф илмининг мўътабар манбаси бўлишга арзийди, десак, хато қилмаган бўламиз. Чунки Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ тасаввуфнинг моҳиятини қатъий

илмга таяниб тизимли баён қилган. Бу баён учун, асосан, рамзу ишораларга бой шеърий услубни танлаган. Мутафаккирни тўғри тушуниш учун қуйидаги илмларни билиш талаб этилади:

2. Араб тили.
4. Ақийда.
5. Тафсир.
6. Ҳадис.
7. Фиқҳ.
8. Тарих.
9. Шеър илми.
10. Тасаввуф илми.

Айнан шу ўн йўналишда устоздан бирор илм олмаган китобхон ёки илм мухлиси Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ ҳақида адолатли ёндашувга келиши маҳол. Шунинг

учун ҳам, халқимизда, ёшларимиз орасида Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ ҳақида тугал илм ёки маълумот йўқ.
Камина Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳни биламан, деган даъвойимнинг тўғри эмаслигини кўп бора англадим. Чунки йилдан йилга буюк мутафаккирни тушунишимда, муносабатимда турли жиҳатлар ўзини кўрсатди. Она тили қоидаларидан, фалсафадан, имом хатибнинг ўғли ўлароқ бироз дин илмидан хабардор бўлиш Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳни тугал билишда етарли бўлаётгани йўқ. Буюк мутафаккир юксак илмий саъвияси, ҳаким ва донишмандлиги ила ҳамиша ғолиб бўлиб турибди. Уни

яқиндан билиш унга беҳурматлик қилишдан тўсади.

Шу нарса аниққки, Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳ туркий миллатларнинг туркий тилда ижод қилган энг йирик шахсиятидир. У миллатнинг чинакам фахри. Уни қадрлаш, уни билиш, бироз бўлса-да, хабардор бўлиш фақат фойда келтиради, ҳатто, саъвиямизни, руҳиятимизни юксалтиради.
Шу маънода, Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳни ўрганиш ҳамон давом этишини эътироф қилган ҳолда, у кишининг сўзларини мухтасар шарҳ ва изоҳлар ила тақдим этишни, Аллоҳдан ёрдам сўраган ҳолда, ният қилдик. Мазкур мухтасар шарҳнинг қуйидаги

хусусиятлари бор:
1. Шарҳ ўз номи ила мухтасар, яъни қисқа, батафсил эмас. Сабаби иккита: биринчидан, мақсадимиз Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳнинг сўзларини тушунарли, содда тилда етказишдир, бу кенг шарҳни тақозо этмайди, иккинчидан, буюк мутафаккирнинг фикрларини тўла қамраш, асосларини топишга бизда ҳали илм етмайди.
2. Шарҳларда ташқи иқтибослар бўлмайди ёки жуда кам, ҳатто, шеърий байтлар берилмайди, сабаби аниқ - қисқа ва лўнда ифодалар ила Алишер Навоий раҳматуллоҳи алайҳнинг ғоясини қайта ифодалашдир.
3. Бу ишимизда ҳам муайян хатолар бўлиши, табиий. Бу хатолар азиз

устозларимиз, талабчан китобхонларимизнинг танқиди ва таклифи ила тузатиб борилади, деган ниятдамиз.

Роббимиз, бизни соф иймондан адаштирма, ёрдамингсиз бизни қолдирма!

Ёзганларимизни нуқсондан холи қил, уни динимизга, дунёйимизга, охиратимизга, халқимизга манфаатли, хайрли қил!

Акром Малик,
навоийшунос